



ҚАРАРЫ

Нүсбә шакли

Некис калдасы

№ 232

« 6 » апрель

2018 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 31 мартдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари
ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-
тадбирлари тўғрисида»ги 253-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
31 мартдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари
фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги
253-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар Кенгаши

ҚАРАР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
31 мартдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари
фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги
253-сонли қарори ижро учун рақобарликка олдинсн.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида
кўрсатилган қарори билан:

а) Қуйилганлар;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан
«Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюлмаси билан
биргаликда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари
худудида жойлашган 16 та пахта тозалаш корхонаси ва 68 та пахта тайёрлаш
пункти хатловдан ўтказилиб, уларнинг ҳолати баҳоланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик ва тикув-
трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»
2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон Фармони билан ташкил этилган
Пахта-тўқимачилик кластерларини ўрта муддатли истиқболда ривожлан-
тириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи комиссия
томонидан ўтказилган хатлов натижалари бўйича;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари худудида
жойлашган 1-иловага мувофиқ пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш
пунктларининг бино ҳамда иншоотларини уларнинг ташкилотчилирига
5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан баҳолаш кийматида сотиши;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилот-
чилири томонидан уларнинг худудида жойлашган пахта тозалаш
корхоналарининг ишлаб чиқариш кувватларидан 2018 йилда пахта хом
ашёсини қайтариб бериш ва ижара асосида қайта ишлаш учун фойдаланиш
тўғрисидаги масалаларни пахта тозалаш корхоналари акциядорларининг
ўмумий йиғилишларида кўриб чиқиш учун киритиш тавсия этилганлиги
маълумот учун қабул қилинганлиги;

б) Пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг
бино ҳамда иншоотлари пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари
ҳамда кластерлари ташкилотчилирига ишлаб чиқаришни 2 йилдан ортиқ
бўлмаган вақт давомида модернизациялаш шарти билан сотилиши;

пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктларининг ишлаб
турган ускуналари ва бошқа асосий воситалари пахта-тўқимачилик ишлаб
чиқаришлари ҳамда кластерлари ташкилотчилирига ижарага;
модернизациялаш амалга оширилган давргача берилиши
мумкинлиги;

мулк ва ер солиғи ҳамда амортизация ажратмалари хисобга олинган
ҳолда, давлат мулки учун белгиланган энг кам ставкалар бўйича
берилиши белгилаб қўйилганлиги;

в) «Ўзпахтасаноат» АЖга Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаш-
тирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат
кўмитаси билан биргаликда;

ушбу қарорга 1-иловада қайд этилган пахта тозалаш корхоналари
ва пахта тайёрлаш пунктларининг бино ҳамда иншоотлари бир ой муддатда
баҳолалишини;

пахта тозалаш корхоналари бошқарув органларининг йиғилишларини
икки ой муддатда ўтказиш ташаббусини ва Ишчи комиссияга кўриб
чиқиш учун тавсия этилган (ушбу қарорнинг 1-банди «б») кичик
бандига мувофиқ) масалалар кун тартибига киритилишини;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари
ташкилотчилири билан тегишли шартномалар тузилишини таъминлаш
топширилганлиги;

1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишининг замонавий шакллارини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 январдаги 53-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Қорақалпоқ минтақавий пахта терминали» МПЖ Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлаштириш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси билан биргаликда:

ушбу қарорда қайд этилган пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг бино ҳамда илшоотлари бир ой муддатда баҳолалишини;

пахта тозалаш корхоналари бошқарув органларининг йиғилишларини икки ой муддатда ўтказиш ташаббусини ва Ишчи комиссияга кўриб чиқиш учун тавсия этилган масалалар кун тартибига киритилишини;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилот-чилари билан тегишли шартномалар тузилишини таъминласин.

4. Вазирлик ва идорадлар, туманлар ҳокимликлари ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Ж.Хожаметов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев

